



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 9 май, № 93 (4756)


Шанба

## ХОТИРА — МАНГУ, ҚАДР — МУҚАДДАС



Истиқлол бизга ўзлигимизни қайтарди, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни қайта инъом этди. Юртбошимизнинг ташаббуси, қўллаб-қувватлаши самараси ўлароқ, бугун хайрли ишлари билан ном қолдирган, инсоният, юрт тараққиёти учун хизмати сингган буюк аждодларимиз, бобокалонларимиз билан ҳақли равишда фахрли бахтига муяссармиз. Зеро, инсон хотира билан тирик, хотира билан барҳайт. Утмишни ёдлаб, ундан керакли хулосалар чиқариш эса истиқбол сари дадил одимлашда бизга куч беради, қувват бўлади.

9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни



Темур ҚУРБОНБОВЕВ олган сурат.

рига етиш кераклигини эслатиб чарчамайман. 9 май санаси мамлакатимизда ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Зотан, юртимизда шу сана билан тақдир боғланмаган бирорта хонадон, оилани то-

пиш мушқул. Шу боис, Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овул, маҳаллада катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинади.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Истиқлол йилларида республикамиз авиатранспорт соҳасида яратилган шароит ва имкониятлар Фарғона шаҳри ҳаво дарвозаси эшикларини ҳам дунёнинг қўллаб мамлакатларига очиб юборди.

### Фарғонадан мунтазам парвоз

Россиянинг ўнлаб шаҳарлари, ҳамдўстлик мамлакатлари, Хитой, Бирлашган Араб Амириги ва бошқа давлатларга чартер рейслари Фарғона билан бевосита боғлангани шундан далолатдир.

Яқинда Фарғона аэропортига Россиянинг "Атлант-Союз" авиакомпаниясига қарашли самолёт келиб қўнди. Бу халқаро рейс "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ҳамда Россиянинг "Росавиа" давлат корхонаси ўртасидаги келишувга биноан йўлга қўйилди. Энди ҳаво лайнери ҳафтанинг ҳар душанба кунини кечқурун Фарғонадан Москвага мунтазам парвоз қилади.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор Одиқон Мўминов бундан бир муддат олдин "Шахрихон гиламлари" ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этиб, хориждан гилам тўқиш дастгоҳларини олиб келиб, ўрнатган эди.

### Шахрихон гиламлари

Фирманинг сифатли ва бежирим гиламларга талаб тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ўтган қисқа вақт мобайнида савдо шохобчаларига дастлабки 15 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Мухими, "Шахрихон гиламлари" ишга тушиши билан 80 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ғиждувон туманидаги Гулистон қишлоғида янги шифо маскани қуриб фойдаланишга топширилди.

### Барча қулайликларга эга

Мазкур қишлоқ врачлик пунктида беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча зарур қулайликлар маъжуд.

Тумандаги Бойхотин қишлоғида ҳам худди шундай маскан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга киришди. "Саломатлик-2" лойиҳаси талабларига мувофиқ жиҳозланган ушбу масканлар ҳомийлик маблағлари ҳисобига барпо этилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хивалик тадбиркор Қўзйўз Қуръёнов бундан бир йил олдин банкдан олган кредит ҳисобига хориждан алюминий ва пластик дераза ҳамда эшиклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий дастгоҳлар олиб келиб, ўрнатганди.

### Изланиш самараси

Бугунги кунда "Хива-Абдулазиз" корхонасида ишлар анча юришиб кетди. Унинг сифатли ва бежирим маҳсулотларига нафақат Хоразмда, балки қўшни вилоятларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Ўтган йили корхона жамоаси 11 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Янги қувватлар ишга туширилиши туфайли жорий йилнинг ўтган даврида яна 10 нафар киши доимий иш билан таъминланиб, ички бозорга 16 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб чиқарилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ургут туманидаги қурилиш ва миллий хунармандчилик коллежиде бу йил ўқув йили ярмаркаси ташкил этилди.

### Бандлик дастури — амалда

Унда тумандаги 64 та корхона, ташкилот ҳамда кичик бизнес субъектлари иш ўринлари билан қатнашди.

Тадбир якунида 190 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Сурхондарё вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Президент Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўрганишга бағишланган семинар машғулоти ўтказилмоқда.

Термиз иқтисодий-касб-хунар коллежиде бўлиб ўтган тадбирда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг дунёдаги қўллаб-қувватланган ва ривожланган мамлакатлар банк-молия тизими, ийрик саноат корхоналари ва корпорациялари, аҳолининг кундалик турмуш даражасига жиддий таъсир кўрсатаётгани, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чо-

ралар дастури бу жараённинг мамлакатимизда иқтисодига таъсирини юмшатишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Мазкур дастурга мувофиқ, мамлакатимизда иқтисодийнинг реал сектори корхоналари, банк тизими ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Корхоналарнинг техника ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизацция қилиш, хориж инвестициясини жалб этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий

муҳофазасига эътибор кўчатирилмоқда. Иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, касаначиликка асосланган уй меҳнати ривожлантириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш йўлидаги чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бераётди. Хусусан, Сурхондарё вилоятида шу йилнинг биринчи чорасида 120 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 36 миллиард 9 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Вилоятда 14 миңдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз асари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқитувчилари фаол иш-

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.




Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да 5-8 май кунлари "Uzbekistan Agrominitech Expo-2009" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг туртинчи Халқаро иختисослаштирилган кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюشمаси томонидан ташкил этилди.

## ФЕРМЕРЛАР УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ушбу тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 24 августда қабул қилган "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро иختисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан уюштирилди. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу тадбир қишлоқларда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихчам корхоналарни ташкил этиш, мамлакатимиз ва хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган энг янги, юқори самарали минитехнологиялар ва

ускуналар билан танишиш учун фермер хўжаликлари, агрофирмалар, кичик ва хусусий бизнес вакилларига қулай шароит яратиш, шунингдек, уларни харид қилишда ёрдам кўрсатишга қаратилган. Кўргазма-савдода 20 дан ортиқ давлатдан 200 дан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим этиди. Унда қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлатиладиган минитехнологиялар, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича ихчам ускуналар, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ветеринария, қорақўлчилик ва терига ишлов беришда қўлланиладиган химий воситалар кенг намойиш қилинди.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТСнинг профилактикаси дастурий амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. У Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

## ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Усиб келатган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларнинг ҳаётини янада яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давра суҳбатида иштирокчилар шу ҳақда сўз юритиб, ёшларни ҳар хил иллатлардан ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлашди. Масалан, кейинги пайтларда одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан касаллик, яъни ОИВ касаллиги дунё мамлакатларини ташвиш қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ўртасида ушбу хасталикнинг тарқалишига қарши курашиш борасида ҳуқуқимиз ҳамда кенг жамоатчилик томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориде бу борада ягона тизимни шакллантириш, аҳолини ОИВ инфекциясидан ишончли ҳимоя қилиш ва унинг зарурий профилакти-

тикасини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан айни пайтда ОИВга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИТС диагностика лабораторияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича Дастур лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Қолаверса, ушбу касалликка чалинган беморларга дори-дармон учун қўшимча маблағ ажратилиши ҳам кўзда тутилган. Давра суҳбатида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар борлигига ҳам эътибор қаратилди. Айниқса, мазкур касалликнинг олдини олиш бўйича жойларда олиб борилаётган тарғибот ва тушунтириш ишлари талаб даражасида эмас. Баъзи туманларда ОИТС марказлари ва туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари маҳалла кадрлар билан тулиқ таъминланмаган. Шунингдек, тадбир давомида соҳа мутахассисларининг бугунги кунда ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш борасидаги маърузалари тингланди.

Зиёда АШУРОВА.



## Янги ишлаб чиқариш объектлари

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда 54 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Наманган вилоятидаги "МРТ текстиль" ва "Клайна текстиль", Фарғона вилоятидаги "Беширик текстиль", Тошкент шаҳридаги "Айтуг текстиль", Сирдарё вилоятидаги "Мини Гулистон текстиль" кўшма корхоналари ҳамда Қашқадарё вилоятидаги "Китоб оқила сут" корхонаси шулар жумласидан бўлиб, уларда пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

# ХОТИРА - МАНГУ, ҚАДР - МУҚАДДАС

(Давоми. Боши 1-бетда).

Рухсоран ая Эрқаевнинг турмуш ўртоғи ҳам жанггоҳдан омон қайтмаган. Айни гуллаган ёшда суяниқдан айрилган ая кўп йиллар ўтса-да, эрига аза омади, келишини кутди, умид билан кутди. Бу орада яқка-ёғиз қизининг ҳам бўйи етганини сезмай қолди. Бугун эса набиралари атрофида парвона. Қариялари қадланган юртада кексалик гаштини суриб яшайти.

— Бир армоним бор эди, — дейди ая. — Телевизордан кўп кўрсатишди. Пойтахтда бунёд бўлган Хотира майдони жуда кўркам маскан бўлган экан. Яқинда набирам Тошкентга олиб борди. Майдонни зиёрат қилдим, ўтганлар руҳига тиловат ўқидим. Зарҳал китобга урушдан омон қайтмаган турмуш ўртоғимнинг исми-шарифи ҳам битилган экан. Набирам кўрсатди. Лекин, қани эди, кўзим ўтса? Фақат ёзуви кўзда ёш билан сийлабди, кўзимга сурдим. Шунда дилим таскин топди, ўзини тетик хис қилдим. Шундай табарқур маскан бунёдкорларига, Ўртобшомизга минг раҳмат. Аждодлар номини абадийлаштириш, уларга эҳтиром кўрсатиш йўлида бундан-да улғурок, бундан-да савоблироқ иш бўлмас керак. Қолаверса, бу ёшларимиз, келажак авлод учун ибрат мактаби бўлиши тайин.

Айтиш жоизки, ҳозирда юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида мазкур сана муносиб нишонланмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, қолаверса, савоатсиз инсонлар томонидан кекса авлод вақиларига меҳр-мурувват кўрсатилаётган. Улар иштирокида махсус учра-

шув ва давра сўбатлари, хотира кечалари ўтказилмоқда.

— Ўртобшомизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ўқиб кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди уруш қатнашчиси, қашқадарёлик Норбек бобо Мусурмонов. — Бу биз, уруш фахрийларини нафақат моддий рағбатлантириш, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Шунингдек, ил давомида бизни ёшлар билан учрашувлар, суҳбат мулоқотлари тақлиф қилиб туришди. Ана шундай тадбирларда ёшларга бир ўғитни бот-бот айтмайми: "Болаларим, эзу ишдан юз бурманг. Яхшилик қилишга шошилиб яшанг, интилиб яшанг..."

Албатта, вақт ғанимат, инсонлар ғанимат. Бу дунёда биздан қолдигани эса яхшилик, хайри амалларимиздир. Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини бугун ҳам қанча эъзозласак, шунча кам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртоқларимиз олдига умрбод қардоримиз. Биз бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар кун, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, бахони қудрат узайтиришга, мазмуни қилишга, бунинг учун барча шаҳроларни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Эеро, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Фаррух БҮТАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ФЕРМЕРЛАР УЧУН МИНИТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ю. Алябьев. — Бизда фермнинг оқ-сақ даражада ташкил этилгани, намоёниш қилинаётган маҳсулот ва хизматларнинг хилма-хиллиги катта таассурот қолдири. Мамлакатимизда хорижий инвесторларнинг фаолият юритиши учун қўлай шароитлар яратилган. Биз ўзбекистонлик шерикларимиз билан уриштирилган ҳамкорлик алоқаларини қадрлаймиз ва уларни янада мустаҳкамлашдан манфаатдоримиз. Бу ерда ҳамкорликдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамы.

Яқин аёнага айлиб қолган ушбу анжуманда иштирок этиш учун мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўнлаб фермерлар ташриф бурарди. Масалан, Андижон вилояти Бўз туманидан Қаҳрамон Мамадалиев бу ерда замонавий техника сотиб олиш мақсадида келган. Унинг "Нисшон қарвон" фермер хўжалиги пахта, дон, сабзавот ва бошқа экинлар етиштириладиган 100 гектардан зиёд экин майдонига эга. Шунингдек, унинг ўз иштироқида ҳам бор.

— Хўжалигимизда техника етарли, — дейди фермер. — Аммо, бу ерда менга Харьковда ишлаб чиқарилган қучли тўрт гилдиракли универсал трактор маъжул келди. Қўлай жиҳати шундаки, ундан фақат ер ҳайдашда эмас, балки транспорт сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Қувватли машинага турли хил агрегат, прцеп ва ярим прицепларни улаш имконияти бор. Табиийки, кўп турдаги иш бажарадиган бундай техника хўжалик учун жуда зарур.

Ҳақиқатан ҳам, банлар қишлоқ тадбиркорлари учун қўлай имкониятлар яратмоқда. Жумладан, "Агробанк" томонидан Бухоро туманидаги "Талаасиб нон" ёпиқ акциядорлик жамиятига 10 миң АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди. Бу маблағ хисобига Россиянинг "Восход" компаниясидан кичик новвоҳона сотиб олинди. Шарнома шу ёрнинг ўзида расмийлаштирилди. Бу каби мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Кўргазма-савдо доирасида, шунингдек, амалий анжуманлар, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланадиган минитехнологиялар, паррандачилик, боғдорчиликдаги замонавий технологиялар, қадоклаш ускуналаридан фойдаланишга бағишланган тақдиротлар ўтказилди. Хорижий ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари қишлоқ меҳнатқашларига ўз технологиялари ва ускуналари ҳақида сўзлаб берди.

Тўрт кун мобайнида кўргазма-савдо иштирокчилари ўз ҳамкасблари ва шерикларининг имкониятлари, шартлари ва талаблари билан таниди, ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида музокаралар ўтказиб, шартномалар ва келишувларни имзолади. Бўлиб ўтган анжуман мамлакатимиз агросаноат комплексини янада ривожлантиришда, фермерлар ва тадбиркорларнинг салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

В. НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

# ИҚТИСОДИЙ ТЕЖАМКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШГА МАДАД

Дарҳақиқат, 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз қўллаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора қамраб олмакда. Юртимизда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, давлатимиз томонидан инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодий ривожланишнинг салбий оқибатларини бартараф этиш омилини аниқ белгилаб берилган. Хусусан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқ эканлиги қайд этилган. Эеро, электр энергетика тизимини модернизация қилиш, электр энергиясини ҳосил қилишда солиштирма ёқилги сарфини камайтириш ва уни тежашнинг самарали тизимини жорий этиш инқирозга қарши чораларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қатор тадбирларни ўтказмоқда. Айниқса, қўмитада ишлаб чиқариётган қонунларда электр ва энергия ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш устида астойдил иш олиб борилмоқда. Бу масалани жадаллаштиришда, аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг ижроси асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти ўтказилиб иссиқлик электр станцияларида энергия тежовчи технологияларни жорий этиш тақлиф этилган эди.

Бугунги кунда, Тошкент иссиқлик электр станцияларида тежамкорлиги паст газ қурилмалари ўрнига замонавий бу-газ қурилмаларининг барпо этилиши, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда энергия манбаларидан фойдаланиш ҳажмини яқин стандартлари даражасида қисқартириш юзасидан чора-тадбирлари давом этмоқда. Навоий ва Бухоро вилоятларида иссиқлик электр станцияларида қурилиш қиймати 1 миллиард АҚШ долларида ортқ бўлган иш режалаштирилмоқда. Бу умумлар

амалга оширилгандан сўнг ҳар бир киловатт соат электр энергиясини ҳосил қилиш учун сарфланаётган ёқилгининг солиштирма сарфи 2008 йилдаги 381 граммдан 2015 йилга бориб 342 граммга тушади. Газ истеъмоли ҳажми 1 миллиард куб метрга камайтириб, электр энергиясини ҳосил қилиш эса 10 фоизга кўпаяди. Айни пайтда «Электр

## Парламент ҳаёти

энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга таёрланди. Мазкур лойиҳа электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилишда иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий асосларини яратди.

Қўмитамизда, шунингдек, қишлоқда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, унинг қийфасини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг Хоразм ва Бухоро вилоятларида қурилиш соҳасидаги қонунчиликнинг Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил ўтказилиб, қатор

намунавий лойиҳалари тайёрланишига, қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блоклар конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этишга қаратишлари лозим. Бундан ташқари, ҳар бир туман ва қишлоқда узлуқсиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорт иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси, саноат ишлаб чиқариши ва қурилишини амалга ошириш зарур. Давлатимиз раҳбари таъминдан белгиланган ушбу вазифаларни амалга оширишда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича қўмитада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Транспорт коммуникация тизимларини ривожлантириш мамлакат тарақиёти учун ўта муҳим йўналишидир. Бу борада сўнгги йилларда барпо этилган Навоий-Нукус ҳамда узунлиги 233 километрли Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўл магистраллари, Қамчиқ давони орқали ўтувчи замонавий автомобиль йўлларининг барпо этилиши ҳудуддаги бой маъданли хом

Абдулла АБДУНАЗАРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

# КОРХОНА ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

## Пиллачилик

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислохотлар изчил амалга оширилаётгани туфайли соҳанинг барча тармоқлари, хусусан, пиллачилик тобора ривожланиб бормоқда.

## ЮҚОРИ ҲОСИЛ ТАДОРИГИ

Бунда, айниқса, кейинги йилларда мавжуд йиғирмага яқин уруғчилик корхоналари фаолияти тубдан яхшиланиб, иқлим шароитларга мослашувчан, янги ипак курти зот ва дугаргайлари яратилгани, уларни жонлантириш ва боқиб ишлари такомиллаштирилгани ўз самарасини бермоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, кейинги йилларда яратилган "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" сингари ипак куртлари жонлантирилиши ҳаётчанлиги ва зотдорлиги билан бошқаларидан устунлик касб этмоқда. Натижда ҳосил сифати ва салмоғи йил сайин ошиб бораётди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Пиллачиликни ривожлантириш бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, мамлакатимизда бу йилги мавсумга пухта ҳозирлик қурилган. Хусусан, маҳаллий уруғлардан ташқари, хориждан 205 000 кути ипак курти уруғи олиб келинган. Пировардда бугунгача жами 445 000 кутига яқин ипак курти жонлантирилиб, 374 000 нафар пилла боқувчига тарқатилган. Уларнинг бари бунқ пули билан таъминланиб, хонадонларга зарур қишлоқ ва ускуналар етказиб берилган.

Айни пайтда жойларда ипак курти парвардиши қизгин давом этмоқда. Пиллачиларимизнинг бу салбий-харакатлари мавсумда 23 700 тонна юқори сифатли "қумуш тала" етиштирилишидан далолат бераётди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Яқинда "Спінтекс Тошкент Тўйтепа" масъулияти чекланган жамиятининг Марғилон бўлими иш бошлади.

## Модернизация

Ҳозир бу ерда 180 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан кунига 40 миң погон метр матога 24 хил ранг берилаётди. Тез орада маҳсулотнинг бир қисми ички бозорга, бир қисми эса экспортга чиқарилади.

Шунингдек, корхона имкониятини янада кенгайтириш мақсадида модернизациялаш ишлари жадал давом этирилмоқда. Ушбу жараёнлар якунига етгач, маҳсулот ҳажми ошади ва яна 70 та иш ўрни яратилади.

СУРАТДА: корхона фаолиятдан лавҳа.  
Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.



## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Жарқўрган — қишлоқлари обод туман. 12 та маҳаллада файзли гузарлар ишлаб турибди. 14 та қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" дастури асосида замонавий жиҳозланган. Илму маърифат кўрганлари бўлиши ўқув-таълим даргоҳлари, спорт мажмуалари ёшларимизнинг камол топишига хизмат қилмоқда.

# ҚУТЛУФ БЕКАТ ЧИРОҚЛАРИ

— Файз-баракоту, фаровонлигимиз ўз меҳнатимиз, ҳаракатларимиз самарасидан, — дейди "Оққўрғон" маҳалла фуқароси, муаллим, меҳнат фахрийси Худойберди Норалиев. — Президентимиз мустақиллигимизнинг илк кунларида қишлоқни ўйлади. Ҳаммани томорқали қилди. Фарзандларимизни қўшиб ҳисоблаганда ҳозир бир гектарлик томоркам бор. Шу ердан йилга тонналаб картошка, пивёз, бошқа сабзавотлар етиштирилади. Бу билан биз ўзимиздан ташқари бошқаларнинг ҳам дастурхони, рисқ-насибаси тўкин бўлишини таъминлаймиз.

Энди бўлса Норалиевлар иссиқхона қураётдилар. Уларнинг ёнидаги Мулавий қўлида балиқчилик, паррандачилик соҳаларини очмоқчилар. Мақсад эзгу: хонадон янада обод бўлмоғи лозим. Бу ободлик нуридан бутун қишлоқ, бутун маҳалла, эл-юрт баҳраманд бўлмоғи лозим. Шундай бўлаётти ҳам: қўшнисидан андоза олиб, Қарши Султонов эртаги сабавот етиштирди. Тура Ҳасанов, Дўстқул Тулганов Ўзбекистоннинг бир қарич еридан ботмон-ботмон да-


йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилганлари Баҳодир тилга олган ана шу қутлуф қайфиятга қанот бағишлайди. Ҳар кимнинг дилига янгина ният, ҳаракатига шижоат бахш этди. Тадбиркор Ҳайитбой Қаршиев ўз қишлоғи — Қорайнқоғнинг ички йўлларида асфальт тушади. "Қурбон хожи бахт" фермер хўжалиги "Оққўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинига янги идора қуриб тақдим этди. Маҳалла гузари учун пойдевор ташлади. Яна бир тадбиркор Эшмурод Ерматов "Қорақурсок" маҳалласида ёшлар учун спорт мажмуасини яратмоқда. Қорайнқоғ ва Қорайнқоғ қишлоқларида тоза ичимлик суви муаммосини бартараф этиш, эски Ҳайитбой қишлоғини газлаштириш, ҳар бир қишлоқда ёшлар учун иччам маданият ва истироҳат боғларини бунёд қилиш таъини қилиш қўллаб-қувватланаётди.

— Хонадоннинг, маҳалла-қўйнинг, эл-юртнинг обод-фаровонлигидан қўнғилар равшан тортиб, эзгулик дарахтлари яшайди, — дейди оқсоқоллардан бири Чоршанба Сафаров. — Илгари унда-бунда содир бўлиб турадиган жиноятчиликлар барҳам топаётти. Қўнғилчилик, бел-саранжомчилик йўқ. Элга танилган полванларимиз, Зулфия муқофотига сазовор бўлган ёшларимизнинг келажакдан қўнғилмиз тўқ. Қалбларимизга янада ёруқлик бахш этган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Ватанимиз раванқи йўлида эсда қоларли бекат бўлиб қолади.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН** 24 соат ичида

**Компания хавотири**



“Евроњюз” телеканали хабарига қараганда, Германиянинг “Дойче телеком” компанияси жорий йилнинг дастлабки чорагини 1,1 миллиард евро миқдоридagi зарар билан яқунлади.

Таҳлилчилар бунинг асосий сабабини, компаниянинг Буюк Британиядаги бўлими 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўргани билан изоҳлашмоқда. “Дойче телеком” раҳбарияти шу йил охиригача яна кўплаб ривожланган мамлакатлардаги бўлимларида ҳам жиддий молиявий йўқотишлар кузатилишидан хавотир-да эканини билдирган.

**Амалиёт бошланди**


Покистон ҳарбийлари мамлакат шимоли-ғарбидаги Сват водийсида “Толибон” жангариларига қарши кенг кўламли ҳарбий амалиёт бошлаган.

“Франс пресс” ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, шу пайтга қадар жангарилар ҳужумидан ҳудуддаги тинч аҳоли вакиллари азият чекаётганиди. Буни эътиборга олиб, Покистон бош вазири Юсуф

Ризо Филоний тинчликка раҳна солаётган террорчи ва экстремистларни йўқ қилишга буйруқ берди. Бош вазир бу ҳақда Покистон халқига телевидение орқали қилган мурожаатида ҳам алоҳида таъкидлаган.

**Кемага ҳужум**

Сомалилик қароқчилар яна фаолаштирилган. Улар бу гал АҚШнинг “Льюис ва Кларк” номли ҳарбий-транспорт кемага ҳужум уюштирганлар, дейилади “Рейтер” ахборот агентлиги хабарида.



Босқин натижасида кемага жиддий зарар етмаган ва у қароқчилардан қочиб улгурган. Маълумотларда айтилишича, мазкур ҳарбий кема кўлга олинган сомалилик қароқчиларни денгизда ҳибсда ушлаб туриш учун мўлжалланган экан.

Эслатиб ўтамай, қароқчилар шу йил бошдан буён жами 97 та кемага ҳужум қилиб, шулардан 27 тасини забт этганлар.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»**


ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИРЙЎЛ КОМПАНИЯСИ

*меҳнат фахрийларини, аъиз отахонлару онахонларимизни*

**9 Май**

**Хотира ва қадрлаш куни**

*билан самимий табриклайди.*



*Биз — вофисларимиз ватанимизга текис фидойилигимиз, юртим улкан садоқатимиз, элга адабсиз меҳру муҳаббатимиз улу сизлардан тоабат миннатдоримиз.*

*Хамиша омон бўлинг. Ўзингиздан қувонч ва шодликлар афимасин. Набираларимиз роҳатини кўринг.*

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

**«Асака» банки (ОАЖ) жамоаси**

**9 май —**

**Хотира ва қадрлаш куни**

муносабати билан ўз эҳтиромини изҳор қилар экан, заҳматкаш халқимизнинг нурли келажак йўлидаги бунёдкорона меҳнатларида улкан зафарлар, оилавий бахт, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини тилайди.

Шу муносабат билан миллий валютада янги омонат турларини тақлиф этади.

**«БОЛАЖОН»**

Сақланиш муддати — 1 йилдан ошиқ. Омонат бўйича йиллик 22% ҳисобланади.

**«ОРЗУ»**

Сақланиш муддати — 3 йил. Омонат бўйича йиллик 18%+3% бонус ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- |     |                            |        |           |
|-----|----------------------------|--------|-----------|
| 1.  | Тошкент шаҳри филиали      | (371)  | 120-83-14 |
| 2.  | «Автотранспорт» филиали    | (371)  | 120-39-95 |
| 3.  | Шайхонтоҳур филиали        | (371)  | 120-84-26 |
| 4.  | Юнусобод филиали           | (371)  | 225-16-46 |
| 5.  | Сирғали филиали            | (371)  | 258-67-49 |
| 6.  | Тошкент вилояти филиали    | (371)  | 120-84-13 |
| 7.  | Анджон вилояти филиали     | (3742) | 24-40-96  |
| 8.  | Асака филиали              | (3742) | 33-13-69  |
| 9.  | «Фарход» филиали           | (3742) | 26-62-37  |
| 10. | Фаргона вилояти филиали    | (3732) | 24-70-83  |
| 11. | Марғилон филиали           | (3732) | 37-12-37  |
| 12. | Олтиарқ филиали            | (3734) | 32-10-11  |
| 13. | Кўкон филиали              | (3735) | 52-61-04  |
| 14. | Наманган вилояти филиали   | (3692) | 26-94-75  |
| 15. | Навоий вилояти филиали     | (4362) | 23-54-32  |
| 16. | Зарафшон филиали           | (4365) | 73-18-78  |
| 17. | Бухоро вилояти филиали     | (3652) | 23-71-94  |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали       | (3652) | 24-24-29  |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали  | (3662) | 31-19-97  |
| 20. | «Афросиёб» филиали         | (3662) | 34-18-10  |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали  | (3752) | 21-12-93  |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376)  | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали    | (3612) | 23-72-47  |
| 24. | Хоразм вилояти филиали     | (3622) | 26-97-78  |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали    | (3672) | 25-44-03  |
| 26. | Жиззах вилояти филиали     | (3722) | 26-43-11  |

**«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

- Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
  - маълумотлари сир сақланиши тулиқ кафолатланади;
  - эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
  - миқдори чекланмаган.

**ЭНГ ЯХШИ МАҲСУЛОТ ТАҚДИМОТИ УЧУН**



Хабарингиз бор, шу йилнинг апрель ойида пойтахти-миздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида “Соғлиқни сақлаш — ТИНе 2009” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. У “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазма компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стоматологлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Ўзтибтехника” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Юртимизда ўн тўртинчи бор уюштирилган мазкур халқаро анжуманда тиббиёт асбоб-ускуналари, фармацевтика, эстетик тиббиёт ва стоматология каби тўртта йўналиш қамраб олиниб, улардаги сўнги ютуқлар омма эътиборига кенг намойиш қилинди. Кўргазмада АҚШ, Австрия, Англия, Россия, Хитой, Германия, Италия, Швейцария, Чехия, Туркия, Япония, Жанубий Корея сингари жаҳоннинг 22 давлатидан 150 га яқин компания ўз маҳсулотлари билан

иштирок этгани ҳам ушбу тадбирнинг нуфузи нечоғли юксак эканидан далолат беради. Таъкидлаш жоиз, тадбир ташкилотчилари томонидан таъсис этилган “For the best product presentation” — “Энг яхши маҳсулот тақдими учун” мукофотиға мамлакатимизда фаолият юритаётган “Nobel Pharmsanoat” корхонаси лойиқ деб топилди. Бу мазкур корхона жамоасининг самарали меҳнатига билдирилган эътирофдир.

“Nobel Pharmsanoat” корхонаси Ўзбекистон фармацевтика тармоғида юз фоиз чет эл капитали асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. У 2000 йилда Туркиянинг “Nobel Ilac A.S” фирмаси инвестициялари асосида барпо этилган бўлиб, бу

Замонавий тиббиёт талаблари асосида фаолият юритаётган “Nobel Pharmsanoat” корхонаси жамоаси ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ва сифатли маҳсулотлар турини ошириш борасида астойдил изланимоқдалар.

ерда 200 нафарга яқин ма-лакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Ҳозирги кунда корхонада маҳаллий ҳам ашдан импорт ўрнини босувчи, экспортбол 57 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Улар сифатлилиги боис маҳаллий, ҳам хорижлик харидорларга бирдек манзур бўлаётир. Маркетингнинг замонавий усулларини ҳаётга кенг таъбиқ этган ҳолда фирма вакиллари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мазкур воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мутахассисларга кенг ва атрофлича маълумотлар ҳам беришмоқда.

**ХАЙРЛИ ТАДБИР**

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш борасида Корея Республикасидаги бир қатор халқаро хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келади.

Ҳозирга қадар кам таъминланган оилаларнинг юрак хасталиги билан оғирган 20 нафар бемор болалари Кореядаги нуфузли клиникаларда жарроҳлик йўли билан бепул даволаниб қайтдилар. Аини пайтда эса “Ўзбекистон — Корея” дўстлик жамияти Кореянинг “Junior Chamber International” ташкилоти билан ҳамкорликда

“Оғриқсиз юрак” халқаро лойиҳаси доирасида юрак хасталиғига чалинган бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Бундай ҳамкорлик, табиийки, икки давлат ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

С. АЪЗАМХҲАЕВА.

**«АГРЕГАТ ЗАВОДИ»**  
ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қўйидаги қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқаради ва сотади:

- пахта (ОВХ-600) ва боғлар (ОВП-1500) учун вентиляторли пуркагичлар;
- турли модификацияли универсал (пневматик) ва чигит экиш сеялкалари;
- гербицидларни сочиш мосламалари (чигит экиш сеялкалари билан бирга ишлайди);
- «КИР-1,5» русумли роторли ўроқ машинаси (косилка);
- «РМУ-0,5» русумли минерал ўғитларни сочиш мосламаси.

Тракторлар, культиваторлар, плуглар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари учун турли хил эҳтиёт қисмлар мавжуд.

Эҳтиёт қисмлар 2009 йил 1 июлга қадар 20 фоизгача бўлган чегирма билан сотилади.

Манзиллини: 100057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.  
E-mail: agregat\_zavod@mail.ru  
Телефонлар: (998-71) 228-02-40 (кабулхона), (998-71) 248-16-51 (таксимот бўлими) Ў  
Факс: (998-71) 228-03-65 (кабулхона).

“Соғлом авлод учун” журнали таҳририяти жамоаси “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ижрочи директори Нозимжон Муминовга онаси

УЛФАТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

“Асака” Давлат акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) жамоаси банк бошқаруви раиси Қарамон Турсунович Ориповга онаси

МУҚАДДАС аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

“Ўзқишлоқхўжаликмаши-лизинг” акциядорлик лизинг компанияси жамоаси масул ходим Аловиддин Ходжаевга турмуш ўртоғи

ТУРСУНОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.



Инсон ҳаёти абадий эмас, лекин хотира мангу, хотира абадий. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, деб бежиз айтилмаган. Зотан, ўтганлар руҳини эъзозлайдиган халқнинг бугуни фаровон, эртаси ёрғ бўлади. Халқ эса эзгуликни ёдлайди, хайрли амаллари билан ном қолдирган инсонларни қадрлайди, хотирлайди.

Андижонлик уруш фахрийси Кўчқорбой ота Авазатов ҳам умрини эзгу ишларга бахшида этди. Ундан бугун яхши ном, эзгу амаллар, ёрқин хотира қолди. Кўчқорбой Авазатов Фарғонанинг Олтиариқ туманида туғилган. Қишлоқ боласи эмасми, болалигидан меҳнатда суяги қотди, ерга меҳр қўйди. Бунинг ортидан яратувчанлик, бунёдкорликни ўрганди, шундай хислатлар билан ашашни одат қилди. Улғайиб ангадлик, мароқ билан тановул қилинадиган бир тишлам нон — бир ҳовуч бугдой, бир парча ер ва заҳматли меҳнат дегани! Демакки, эл ризқини бут, дастурхонини тўкин қилиш учун ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат қилган...

# Эзгуликка йўғрилган умр

ни эса қадрлаш керак! Ёш дехқоннинг аҳди қатъий экан — улғайган, Андижонда, қишлоқ ҳўжалиги билим юртида тахсил олди. Уқини тамомлаб, шу соҳа ривожига астойдил хисса қўшди. Шундан кейинги ҳаёти, умри Андижонда ўтди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса кўп қатори жангоҳга отланиб, жасорат кўрсатди. Қариб олти йил давомда осойишталик ҳимояси йўлида йиғитлик бурчини ва ҳарбий хизматни ўтади. Яхшидан боғ қолади, дейди халққимиз. Бу — эртанинг ташвиши, эл...

нинг қайғуси билан яшайдиган инсонларга берилган нисбат. Кўчқорбой ота ҳам боғ яратди, бунёдкорлик ишига бош қўшди. Мақсад эса хайрли — одамлар оғирини енгил қилади. Кўчқорбой ота қишлоқ ҳўжалиги билимдониди. У қаерда, қай бир вазифада ишлаганин, деҳқончилик маданиятини юксалтириш билан чекланиб қолмай, қишлоқда саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида астойдил жон қуйди. Натижада ташкилотчилик, ташаббускорлик борасидаги қобилияти билан эл орасида ҳурмат-эътибор топди. Ҳаётда эзгу ишлар кўп. Бировга бир оғиз ширин сўз айтишдан тортиб, халқ учун жонни фидо этишгача бўлган барча амаллар хайрлидир. "Одамларга яхшилик қилишни истасанг, дастлаб уларнинг дардини тинглашни ўрган", деб бот-бот уқтирдилар, дея...

Кўчқорбой ота ҳақида эслайдиган шогирдлари, фарзандлари, Зеро, у киши самимий, камтарин, халқларвар инсон эди. Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам гапига кулоқ тутар, кўп билан кенгашиб, умум билан маслаҳатлашиб иш кўрардилар. Шунданми, нафақат идорада, балки кўча-кўйда ҳам одамлар у кишига тортинмай дардини айтди. Кўчқорбой ота умрларга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзар эди. Бугун у киши бошлаган хайрли ишларни шогирдлари, фарзандлари давом эттиришмоқда. Мухими, эзгулик ортидан эзгу ном қолдирган Кўчқорбой отанинг нури изларни унинг авлодлари учун ибратли ҳаёт йўлига айланган. Зеро, бу саодатли умр йўлидир.

Ф. ФУРҚАТОВ.

## Савобли ишларни бажаришга шошилиш, уларни ўз вақтида қилишга улгуриш, одам бу дунёдан ўтганидан кейин эмас, балки ҳаёт пайтида унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш зарур.

Ислом КАРИМОВ



Ўтмишни унутмаслик, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш асл миллий қадриятларимиздан бири сифатида эътироф этилади. Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май санаси янгича маъно касб этди.

ни янада яхшилаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қўмаклашиш сингари вазифалар ҳам ўрин олган. Бу вазифаларни бажариш ас...

ўтганлар ёдини хотирлаб, кўчлаб маънавий-маърифий кечалар, учрашувлар ўтказилтир. Хусусан, Косонсой ва Янгиқўрғон туманида Абдулаттар Шарипов ҳамда Тўйчи Нейматов хотирасига бағишлаб, спорт мусобақалари уюштирилди. Наманган шаҳрида эса Ўзбекистон халқ шoirи Ҳабиб Саъдулла таваллуднинг 65 йиллиги нишонланиб, ижодкорнинг адабий мероси — дилбар ғазалларидан намуналар ўқилди. Бундан ташқари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртиларида ўтганларни хотирлаш, сафимизда ҳаёт кечираётган ташаббускор инсонларга эҳтиром кўрсатишга бағишланган тадбирлар ташкил этиляпти.

Байрам куни вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бундай маданий-маърифий тадбирлар кенг тус олади. Жойларда фахрий юрtdoшларимиз, фидойий инсонлар учун бадиий дастурлар намойиш этилади, уруш қатнашчиларига муқофот пуллари, хомийларнинг совғалари топширилмоқда.

Қ. НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «ЗИЁРАТ ҚИЛГАНИ КЕЛДИК»

Ўтган асрнинг бошида дунёга келган онахон бошидан кечирган воқеаларда халқимизнинг қарийб юз йиллик тарихи ўз ифодасини топган. Унинг умр сардафарида одамлар бир бурда...

ди. Ҳаёт ташвиши бўлади-ми?! Бу қийинчиликлар бизнинг бошимиздан ўтганлари олдида ҳолва-ку. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шундай дорилармон кунларга етганим учун Оллоҳга шуқрона айтаман. Айниқса, кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдорман. Хоқимликдан, маҳалладан раҳбарлар келиб туришади. Улар "Бир зийрат қилайлик деб келдик", дейишганда кўнглим тоғдек кўтарилди. Тўкин дастурхон атрофида суҳбат курамиз. Ҳар келишганда, мамлакатимизда, вилоятимизда, шаҳримизда юз берган бир янгилик, хушхабарни етказишади. Юртимиз тинч, элимиз омон, дастурхонимиз тўкин бўлсин, деб дуо қиламан. Инсон учун энг муҳими шу. Оллоҳнинг назари тушган юрtda бу бебаҳо неъматлар, албатта, мўл бўлади.

Омоний момонинг кутлуг ёшда ҳам фикри тиник. Унинг тетикилик, бардамлиги сабаби бугун ҳаёти давомида шакланган бугунги кунга шуқроналик тўйғуси, эртанги кундан умидворлик руҳида эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Яхшилар ёди ҳамиша қалб тўрида ардоқланади. Зеро, халқимиз бундай инсонларнинг эзгулик йўлида қилган меҳнатларини эъзозлаб, ширин хотиралар ила ёдлайди. Танилиқ шoir, ёзувчи ва драматург Амет Шомуратов ҳам ана шундай инсонлардан бири эди.

Унинг умр йўлдоши, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ойимхон Шомуратова эса театр саҳнасида яратган ёрқин образлари орқали эл сўйган санъаткор сифатида халқ кўнглидан жой олган. Амет Шомуратовнинг қорақалпоқ адабий муҳитида ўз ўрнига эга бўлган адиб сифатида танилган кезлари унинг "Эски мактабда", "Менинг йўлбарслар билан тўқнашуларим" каби асарлари чоп этилган йилларга тўғри келади.

Қолаверса, ижодкор қардош халқлар адабиёти намоёндалари қаламига мансуб бадиий асарларни қорақалпоқ тилига таржима қилишда ҳам самарали иш олиб борган адиб саналади. Ноёб истеъдодли актриса Ойимхон Шомуратова, айниқса, театр санъатида жўшиб ижод қилди. Саҳнада ижро этган бетакор образлари уни элга танитди. Санъаткорнинг "Алпомиш" спектаклида Гулпаршин, "Қирққиз"да Гулолим, "Момо ер", пьесасида Тўлғоний образларини яратиб, мухлислар қалбини забт этганлиги ҳали-ҳануз...

## ЗИЁЛИЛАР ИБРАТИ

тиллardan тушмайди. У ижро этган кўшиқлар, беш ариялари бугун ҳам ҳаво мажралида янграмоқда, чинкам санъат мухлислари бу ижроларни севиб тинглаяптилар.

Адабиёт ва санъат оламида ёрқин из қолдирган ҳар икки ижодкорнинг

### Мерос

бебаҳо маънавий меросини асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга етказиш мақсадида уларнинг уй-музейи ташкил этилганлиги. Мазкур гўшада санъат мухлислари икки ижодкорнинг ибратли ҳаёт йўлига таллуқли экспонатлар билан танишиш билан бирига улар меросидан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. Чунки музей қошида "Ойимхон лагзи-

си" фольклор ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Унда Ойимхон Шомуратова қўйлаган қўшиқ ва ларлар, ариялар ижро этилади, мазкур ижод намуналари санъатга ихлосманд ёшларга ўргатилади. Қолаверса, яқин келажакда санъаткор хотирасига бағишлаб ёшлар ўртасида турли танловлар ташкил этиш кўзда тутилган. Бу савий-ҳаракатлар, шубҳасиз, ёш авлоднинг миллий ва маънавий меросимиз намуналаридан кенг баҳраманд бўлишига хизмат қилади.

— Бу ерда ота-онамизнинг сурачлари, қўл ёзмалиари, онам ижросидига ариялар ёзилган граммпластинкалар сақланмоқда, — дейди уй-музей директори Айимгул Шомуратова. — Халқимизда эл ардоқлаган ижодкорлар хотирасини улуғлашдек эзгу аъна бор. Бу келгуси авлод-

лар учун ибрат бўлишга арирли жихатдир. Негаки, инсон меҳнати қадрлаш, унинг хотирасини муқаддас билиш бизнинг қон-қонимизга синган. Шу маънода онамизнинг маънавий юксалиш йўлида қилган хизматлари юксак қадрланиб, 2004 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланганликларини эсласам, қалбим ғурурга тўлади. Эл-юрт ардоғи ва эҳтиромимга муносиб шундай инсонларнинг зурриёти эканлигидан бениҳоя фахрланганман. Ушанда фарзандларимнинг ҳам бобоси ва момоси изидан бориб, улардек мангуликка даҳлдор эзгу фазилатлар соҳиби бўлишларини чин дилдан ният қилдим...

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҚАДРДОН ДЎСТИМ ЭДИ

Абдуллажон билан иккинчи жаҳон урушига бирга кетгандик. Хали 18 ёшга кирмаган эдик ўшанда. У биздан анчагина бўйчан бўлиб, бешотар милтигини елкасига осганда кўндоғи ерга тегмас эди. Шунинг учун ҳам уни ҳазиллашиб "Бир арифта одам" деб чақирар эдик. Абдуллажон Ҳайдаров 1924 йилда Фарғона вилояти, Богдоқ туманининг Қирқиболди қишлоғида туғилган эди.

Урушдан олдин Қозоғистоннинг Дарвоза чўлида машқлар ўтказдик. 1942 йилнинг охирида Узоқ Шарқдаги Амур дарёси устидаги кўприкни қўриқлашда хизмат қилдик. У кўприк орқали шарқий портлардан, иттифоқчи давлатлардан келтирилган озиқ-овқат, қурул-аслаҳа олиб ўтилар эди.

Абдуллажон билан галабадан сўнг эсон-омон кўришдик. У 1950 йилда Андижон қишлоқ ҳўжалик техникумини тамомлаб, 1961 йилдан 1981 йилгача туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи вазифасида ишлади. Абдуллажон хизмат вазифасини сидқиқ дилдан адо этар, зиммасидаги топшириқни бажармасдан бошқа ишга қўл урмасди. Пенсияга чиққунинг қадар мазкур отряднинг биологик усули бўйича катта агрономи бўлиб хизмат қилди. Қайси вазифада ишлаганидан қатъи назар, ўз манфаатидан халқ манфаатини устун қўйиши боис бошқаларга урناк бўларди.

Ажойиб инсон, уруш ва меҳнат фахрийси Абдуллажон Ҳайдаровнинг хотираси биз, дўстлари қалбид абадий яшайди. Жўрабой БОЛТАБОВЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Богдоқ тумани.

## Тақдирлардан сўзлар рақамлар

Тарихий хотира билан яшаш, инсон хотирасини ёд этиш, ўтганларнинг хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш — бу асл миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга ҳосдир.

Бугунги кунда юртимизда 12,5 миңдан зиёд иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси ҳаёт кечирмоқда. Биз ана шу юрtdoшларимиз олдида умрбод қарздоримиз. Бу фидойий инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур.

Жангоҳларда жон фидо этган ватандошларимиздан қарийб 435 миң нафарининг номлари "Хотира китоби"нинг зарҳал варақларига мангу муҳрланган. Юртбошимиз ташаббуси билан кейинги вақtda яна 3 миң 725 нафар ҳашуртиримиз — бедарак кетган иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларининг номи аниқланиб, ушбу китоб саҳифаларида қайд этилди.

Уруш бошланишидан аввал юртимизда яшаган 6,5 миллион аҳолидан 1 миллион 433 миңдан зиёди урушда қатнашган. Жангу жадалларда халок бўлган, бедарак кетган, уруш майдонларидан қайтмаганларнинг сони 450 миң кишидан ошадди.

Ҳозирги пайtda орамаида, сафимизда соғ-саломат яшайётган, бугунги ҳаётимизга эзизлик муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

## Абадиётга муҳрланган эҳтиром

Бухоро шаҳридаги "Хотира" музейи шу кунларда янада гавжум. Бу ерда юрт эрки учун жон фидо этган қатнашчиларига оид элликача яқин стeнд ва экспонат, ўйлаб ноёб сурат ва тарихий ҳужжатларни кўриш мумкин.

— Мамлакатимиз Президентининг 1995 йил 2 мартдаги "9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони асосида қайта ташкил этилган музейимиз ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадига айланиб қолди, — дейди музей ходими И. Муҳинов. — Бу ерда мактаб ва коллежлар ўқувчилари учун тарих фанидан дарс машғулоти, "Уч авлод урachuви", "Эл Сизни унутмайди" сингари мавзуларда тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақлари, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ: 233-70-33. САЙТ: WWW.POST.UZ. ФАКС: 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Беш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида териял ҳама операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадл Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Тошхирилди — 22.40

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — З. Жонибеков. Мусаҳҳаҳ — Ш. Машраббеов.